



НУҚУ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 23-ИЮЛЬ, №29 (1226)

DOLZARB

ЭСКИ ИЛЛАТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

2020 йилнинг 18 июль куни Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Тадбирда Бош прокуратура раҳбарияти, бошқарма бошлиқлари, Бош прокуратура академияси мутасаддилари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбари иштирок этди.

Унда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бошқа ташкилий ишлар таҳлил этилди.

«Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида»ги, «Давлат хизматчиларининг даромадлари, мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги қонунларни ишлаб чиқиш, шунингдек, «E-anticor.uz» электрон платформаси ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи дастурий таъминотни ишга тушириш;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигига биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар Бош прокуратура академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ҳамраб олувчи махсус ўқув дастурлари бўйича таълим олишни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар шулар жумласидандир.

Тадбир якунида бажарилиши назарда тутилган вазифаларни ҳамкорликда амалга ошириш чоралари белгиланди.

NAZORAT

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ПАНДЕМИЯ ПАЙТИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ҚАЛБАКИ ДОРИЛАР ТАРҚАЛИШИ КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ. СОХТА ДОРИЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИНЛИГИДАН ОҒОҲЛАНТИРДИ.

Шуни эътиборга олган ҳолда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан рейдлар ўтказилди. Уларда ҳозир талаб кескин ортган «Эргоферон» ва «Арбидол» дориларининг ноқонуний савдоси аниқланди.

Хусусан, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Яққасарой тумани бўлими ходимлари ўтказган тадбирда фуқаро С.Х. чет элда ишлаб чиқарилган ва қўлбола усулда қадокланган «Арбидол» дорисининг ҳар донасини 35 минг сўмдан ҳисоблаб, 600 АҚШ доллари ва 880 минг сўмга сотган вақтида ушланган.



ДАРДДАН МАНФААТ ТОПГАНЛАР



Фуқаро М.Ж. ҳам шундай дорининг ҳар донасини 23 минг 500 сўмдан ҳисоблаб, 340 донасини 7 млн. 990 минг сўмга сотганда қўлга олинди.

Бу каби ҳолатга Яшнобод туманида ҳам чек қўйилди. Фуқаро С.А. «Арбидол» дорисининг ҳар бир қутисини 550 минг сўмдан ҳисоблаб сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Департаментнинг Олмазор тумани бўлими ходимлари ўтказган тадбирда эса фуқаролар Б.Й. ва К.И. талбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан, чет элда ишлаб чиқарилган 200 қути «Арбидол» дорисининг ҳар қутисини 32 доллардан ҳисоблаб, 2000 доллар ва 44 млн. 750 минг сўмга сотган пайтида ҳолислар иштирокида қўлга олинди.

Бундан ташқари, айрим дорихоналарда талаб юқори бўлаётган дорилар қиммат нархда улгуржи сотиб юборилаётгани ҳолатларига чек қўйилмоқда. Жумладан, Қаторгол кўчасидаги дорихонанинг норасмий сотувчиси И.М. 56 қути «Эргоферон» дорисини 5 млн. 320 минг сўмга сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Дорихонада хорижда ишлаб чиқарилган 1 120 та «Эргоферон» дориси масала қонуний ҳал бўлгунга қадар вақтинча олиб қўйилди.

Ҳозир маскур ҳолатлар бўйича суриштирув олиб борилмоқда.

Аниқланишича, «Эргоферон» дориси оdatда 25-32 минг сўмга сотилган. Ҳозирги нархи 120 минг сўмгача бормоқда. Қутиси 45 минг сўмдан сотилган «Арбидол» эса 400-600 минг сўмдан пулланмоқда.

Ҳозир дорихоналардан топиш амримаҳол бўлиб қолган ушбу дорилар баъзи учарларнинг қўлида 100-200 қутигаб жамлашиб, ноқонуний сотилапти. Суриштирув жараёнида бу дориларни мамлакатга олиб кираётган корхоналар билан маълумот алмашиб, уларнинг кимга ва қай тарзда берилётгани аниқлаштирилмоқда.

Инсон учун энг муҳими – саломатлик. Аммо жонингиз дарддан азоб чекканда малҳам излайсиз, қаршингизда турган инсон малҳам деб қўлингизга оғу тутказса, бундан ёмони йўқ. Шу боис бугун истеъмолчи сифатида ҳар биримиз ҳушёрликни оширишимиз лозим. Дориларни дуч келган жойдан сотиб олмаклик керак. Қаерда ноқонуний дори савдосига гувоҳ бўлсангиз, дарҳол тегишли жойга хабар беришни унутманг. Шундай қилсак, ҳам ўзининг, ҳам яқинларимизнинг соғлигини сақлаган бўлаемиз.



Ўткиржон ҚОБИЛОВ,
департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи



2020 йил 22 июль
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
18324 нафар



Соғайганлар
9666 нафар



Вафот этганлар
97 нафар

БЕМОРЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев ва Тошкент шаҳар прокурори Бахриддин Валиев пойтахтда «COVID-19» билан касалланган беморларни қабул қила оладиган бир неча масканларни бориб кўришди.

Бош прокурор Учтепа туманида жойлашган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ётоқхонасида беморларни даволаш учун ташкил этилган жойни ўрганиб, даволаш жараёнида қулайликлар яратилиши борасида мутасаддиларга кўрсатма берди.

Шунингдек, Чилонзор тумани масъуллари билан бирга

тумандаги «Cardio star plus» МЧЖда 50 нафар бемор учун яратилган захира ўринлар, у ердаги шароитни ўргандилар.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ҳокими ва мутасаддилар билан бирга Юнусободдаги «Ўзэкспомарказ» майдонларида коронавирусга чалинган беморларни жойлаштириш учун яратилган захира ўринларини кўздан кечиришди.

КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда Тошкент шаҳри ва вилоятида санитария-эпидемиологик аҳволни яхшилаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда карантин даврида фуқаролар дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берган эди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев пойтахтдаги қатор мутасадди ташкилотларда Президентнинг кўрсатмалари қандай бажарилаётгани билан танишмоқда.

Жумладан, навбатдаги ўрганиш давомида Бош прокурор Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси фаолиятини кўриб чиқиб, ишни ташкиллаштириш борасида масъул идоралар раҳбарларига кўрсатмалар берди.

TADBIR

TRANСПОРТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИЯТ МУҲОКАМАСИ

Жорий йилнинг 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси органлари томонидан йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоконференцада шаклида ўтказилган йиғилишда ҳудудий 11 та транспорт прокуратураси ва маҳкама томонидан амалга оширилган ишлар билан бирга пандемия даврида фаолиятини бир дақиқага ҳам сусайтирмастик, иктисодий юритиб турувчи транспорт инфратузилмасини тиклаш ҳамда уни карантин талаблари асосида ташкиллаштириш чоралари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Транспорт вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, Автомобиль йўллари қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари», «Uzbekistan airways», «Uzbekistan airports» акциядорлик жамиятлари, «Uzbekistan helicopters» масъулияти чекланган жамияти ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилгани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга юк ташувчи транспортларнинг ҳайдовчиларини, чет элларда қолиб кетган фуқароларимизни ҳаво ҳамда темирйўл транспорти орқали олиб келиш учун ташкиллаштирилган чартер рейс йўловчиларини белгиланган тартибда таниш, кутиб олиш ва махсус текширувдан ўтказиб карантин пунктларига жойлаштириш ишлари муҳокама қилинди.

Ҳайъат йиғилишида фаолиятда йўл қўйилган бир қатор камчиликлар ҳам танқидий кўриб чиқилди. Прокуратура томонидан ишларни жадаллаштириш зарурлиги, ҳақиқий халқ прокуратураси ходими масофадан туриб ҳам жамияти, юрти учун манфаат олиб келадиган қарорларни қабул қилиб, асосийси, ишни тўғри ташкил этган фидойи ходим бўлиши шартлиги таъкидланди. Бажарилиши шарт бўлган вазифалар кўрсатилган қарор қабул қилинди.

Алишер МАЖИДОВ,
Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси



Ўзбекистон прокуратура органларида 40 йилдан ортиқ самарали меҳнат қилиб, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда ўзининг муносиб хиссасини кўшган инсон, 3-даражали алия маслаҳатчиси Ҳақимбой Ҳалимов 22 июль куни 66 ёшида вафот этди.

Шубҳасиз, бу жудалик прокуратура органлари учун катта йўқотиш бўлди. Ҳақимбой Аширович ўзининг меҳнатсе-

Ҳақимбой Аширович ҲАЛИМОВ

варлиги, касбига фидойилиги, адолатпарвар ва ҳалоллиги туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозонган эди.

Ҳ.Ҳалимов 1954 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Қонлиқул тумани прокурорининг ёрдамчиси, Амударё тумани прокуратурасида терговчи, Амударё тумани прокурори, Хўжайли туманлараро прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, Бош прокуратура Олий ўқув курслари бўшлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ҳ.Ҳалимов тизимда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашган.

Сафимиздаги ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида хотирлашади.

Ҳ.Ҳалимовнинг узок йиллик меҳнат фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб, 2000 йилда иккинчи даражали «Шон-шараф», 2014 йилда «Меҳнат шухрати» орденлари билан тақдирланган.

Атоқли ҳуқуқшунос, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ҳақимбой Ҳалимовнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



НЕГА ДОРИХОНАДА ЭМАС, «ҚЎЛДА»?..

Пандемия туфайли айни вақтда дориларга талаб ошди. Бундан эса айрим ноинсоф кимсалар фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқда. Дорилар нархи сунъий оширилишининг олдини олиш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари томонидан бир нечта тезкор тадбир ўтказилди. Уларда қалбаки, сифатсиз дорилар ва тиббий буюмларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ 10 та жиноят фош этилиб, 930 млн. сўмлик дори-дармон ва тиббий буюмлар далилий ашё тариқасида олиб қўйилди.

Чет элда ишлаб чиқарилган дориларни юртимизга япиринча олиб кириш юзасидан иккита жиноят иши қўзғатилган. Хусусан, Бекобод шаҳар бўлими ходимлари Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Бекобод шаҳар Сирдарё кўчасида яшовчи А.Х.нинг хонадонини кўздан кечирганда хоризда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистонга ноқонуний олиб қилинган 319,3 млн. сўмлик 254 дона «Блокмун В-12» ампуласи, 112 дона «Блокмун гель 50 гр», 114 дона «Фактор А-Г 30 мл», 861 конвалюта «Блокмун флекс», 977 конвалюта «Карьер мезантин 10 мг», 3729 дона «Рокит цитрат калия», 18 дона «Бигетрик» дориси борлиги аниқланди, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди ва жиноят иши қўзғатилди.

Департаментнинг Тошкент тумани бўлими ва вилоят божхона бошқармаси ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда фуқаро Б.К. ўзининг таниши А.И. билан биргаликда фуқаро Б.Э.га Андижон вилоятидан Тошкент туманига кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида киритилган 327,4 млн. сўмлик 6600 дона «Тропикамид» ва 8400 дона «Regapen» дориларини сотиш мақсадида бериб юборгани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Ҳозирги кунда дорихоналарни коронавирусга қарши дорилар билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўриляпти. «Плаквинил», «Авириол», «Арбидол», «Рибавирин», «Рекутан», «Аналгин», «Эргоферон» каби дориларнинг ноқонуний савдосига қарши тез-

кор тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда М.С. исмли шахс 30 кути «Эргоферон» дорисини 3 млн. 150 минг сўмга сотган вақтида ушланди. Бундан ташқари, унинг «Спарк» автомашинаси кўздан кечирилганда, унда яна 6 кути «Эргоферон» дориси борлиги аниқланди. Тадбир сўнггида 36 кути дори ашёвий далил тариқасида олиниб ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Департаментнинг Юқоричирчиқ тумани бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда Т.Р. ва Р.С. Россияда ишлаб чиқарилган «Арбидол» дорисининг хар кутисини 350 минг сўмдан хисоблаб сотаётганда ноқонуний савдога чек қўйилди.

Ҳозир Тошкент вилоятидаги дорихоналарда дори ва тиббий буюмларнинг нархини оширмастик бўйича профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда. Нархларнинг барқарорлигини таъминлаш чоралари кўриляпти.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси катта инспектори

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда сўнги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ тизими, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди.

Аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, турмушини яхшилаш, ҳудудларни ривожлантиришда ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чоралар кўрилмақда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам аҳолини тадбиркорликка кенгроқ жалб этишга тўққинлик қилувчи омилларни бартараф этиш чоралари белгилаб берилган. Мазкур фармонга кўра Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман ва шаҳарларда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди. Энди тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестициясини жалб этишга тўққинлик қилаётган муаммолар бартараф этилиб, тизимли муаммоларни мониторинг қилиш ҳамда бу соҳадаги конун ҳужжатларини такомиллашти-

риш бўйича таклифлар тайёрлаб борилади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасининг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 8 июнь куни давлат раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган ишларнинг тури кўпайтирилди. Умуман олганда, мазкур қарор ҳам иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишбилармон фуқароларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

2020 йилда жаҳон миқёсида «COVID-19» инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Айни кунларда бугун дунё, хусусан, мамлакатимизда ҳам коронавирус пандемияси сабаб халқимиз синовили кунларни бошдан кечирмоқда. Ҳукумат муҳтожларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётган бўлса, прокуратура органлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чорасини кўрмоқда.

2020 йилнинг 6 ойи давомида прокуратура органларига 1007 қисқа рақамли ишонч телефони орқали тадбиркорлардан 2 614 та мурожаат келиб тушган.

Тадбиркорлар асосан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ноқонуний қарорларидан норози. Ана шундай қарорларга нисбатан муносабат билдирилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланапти.

Бош прокуратурага тадбиркорлардан келиб тушаётган миннатдорчилик мактубларини меҳнатимиз самараси десак бўлади. Нисол учун, тадбиркор К.Каримов «Navbahor agro opad» фермер хўжалиги раҳбари сифатида бир неча йилдан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет элга экспорт қилиб, барқарор даромад манбаига эга иш ўринларини яратишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётганини маълум қилган. Аммо 2020 йилнинг 31 май куни корхонанинг 23 700 долларлик 19 тонна ўрик ортилган автомашинаси Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида ноқонуний равишда ушлаб қоллиниб, Қирғизистон ва Қозоғистон орқали Россияга чиқишга рухсат берилмаган. Тадбиркор мазкур ҳолат юзасидан Навоий вилояти прокуратураси орқали Бош прокуратурага мурожаат қилганидан

сўнг ушбу масала ўз ечимини топиб, шу куннинг ўзида махсулот экспортга йўналтирилган.

Яна бир тадбиркор И.Тожибоев ўзи раҳбарлик қилаётган «Uz-Segang» МЧЖ 2019 йилдан буён Фарғона шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишда муаммоларга дуч келаётганини баён этган. Тадбиркорнинг таъкидлашича, март ойида Республика экспортга қўмаклашиш штабининг Фарғона вилоятидаги ташрифи давомида прокуратура ходимлари унинг корхонасига келиб, умумий қиймати 1,28 млн. евро бўлган гилос калибровкаси ва қалоклаш ускуналарига мувофиқлик сертификати олиш ҳамда ортиқча тўланган 376 млн. сўм қўшимча қиймат солигини қайтаришга оид муаммосини ўрганиб чиққан.

Натижада тадбиркорнинг мувофиқлик сертификати олишдаги муаммоси ҳал этилиб, ортиқча тўланган 376 млн. сўм солиқни ДСК ва Молия вазирлиги орқали қайтариш масаласи назоратга олингани маълум қилинган.

Бу каби мактублар тадбиркорларнинг турли муаммоларига ечим топилаётганидан дарак беради. Энг муҳими, прокуратура органлари зиммасига юқланган вазифаларни бажариш орқали тадбиркорларнинг халқимизнинг ишончини қозонмоқда.

Эшмурод Жўраев,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

NAZORAT

СУВ ҲЎЖАЛИГИДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР

Пулни ҳамма яхши кўради. Лекин топилган пул ҳалол бўлса, баракаси бўлади, яхши кунларга насиб қилади. Мансабдорлар аввало ўз вазифасини виждонан бажариши керак. Бироқ айримлар ишониб топширилган мансабни пул ишлаш имконияти деб билади. Натижада унинг қилмишларидан нафақат ташкилот, балки жамият ҳам зарар кўради.



Сув иншоотлари қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун давлат уларни қуриш, таъмирлаш ва сақлаш учун қатта маблағ ажратади. Лекин давлатнинг пули ишониб топширилган шахслар ўз вазифасини виждонан бажармай, фақат нафсини ўйласа, деҳқон экинларни сўғоришда кийинчиликларга дучор бўлиши тайин. Яна шунини унутмаслик керак, давлатнинг пули сўроқсиз эмас, унга кўз олайтирганлар жазодан қутула олмайд.

Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан сув иншоотларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси ўрганилганда бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Масалан, Нуробод туманидаги «Омондара» паст босимли сув тўғони 2017 йилда яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ўрганишларда «Самарқанд сув қурилиш инвест» ДУК буюртмачи, собиқ «Ўзмахсус сув қурилиш ихтисослашган компания» ДК пудратчи бўлга-

ни аниқланди. Қурилиш ниҳоясида иккала ташкилот мансабдорлари олдидан тил бириктириб, сув тўғони қуриб битказилгани бўйича 2016 йил 1 июнда тузилган ҳисоб-фактурага сохта маълумотлар киритиб, ҳақиқатда бажарилмаган 45 миллион сўмлик ишларни қўшиб ёзишди. Шунингдек, 35 миллион сўмлик ишлар сифатсиз бажарилган. Шу тариқа бюджет маблағи талон-торож қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан собиқ «Ўзмахсус сув қурилиш ихтисослашган компания» ДКнинг мансабдорлари ва бошқа шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, ҳуқуқий чоралар кўрилди.


Шунингдек, Пайариқ туманидаги «Сарисув» коллектор тизимидаги кичик коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари ҳам ўрганилди. 2018 йилда буюртмачи «Самарқанд сув қурилиш инвест» ДУК билан пудратчи «Престиж строй инвест» МЧЖ ўртасида шартнома

тузилиб, таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилган. Ишнинг якунида «Престиж строй инвест» МЧЖ 948 млн. 848 минг сўмлик иш бажарилгани тўғрисида ҳисоб-фактура расмийлаштирилган. Бироқ буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг мансабдорлари олдидан жиноий тил бириктириб, аслида бажарилмаган 115 млн. 546 минг сўмлик ишни қўшиб ёзган. Шунингдек, 20 млн. 643 минг сўмлик иш сифатсиз бажарилгани маълум бўлди.

Мазкур ҳолат бўйича «Престиж строй инвест» МЧЖнинг мансабдорлари ва бошқа шахсларга нисбатан ҳам жиноят иши кўзгатилиб, ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Ҳусан ЧИННИҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Шавкат Мирзиёев 2020 йил 17 июль куни ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш, қузиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.



ЮТУҚЛАРГА ЎЗ-ЎЗИДАН ЭРИШИЛМАЙДИ

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ҳукуматнинг ғаллачиликка оид қарорлари ижроси назоратга олинди ва бу бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Республикада 2019 йилнинг кузида 2 851 та фермер хўжалиги 53 минг гектар ерга ғалла эккан эди. 323 минг 116 тонна дон етиштириб, 101 минг 306 тоннасини давлатга топшириш бўйича шартнома тузилган.

Таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари ўрим мавсумида ирофгарчиликка йўл қўймаслик, ўрим-йиғим ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, Тўртқўл туманида 18 та, Берунийда 11 та, Эллиққалъада 21 та фермер хўжалигини дон ташувчи махсус транспорт билан таъминлашда ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, бугдой ўримида қатнашган комбайнчилар ва автомашина ҳайдовчиларига белгиланган иш ҳақи ўз вақтида олиб берилди.

Шу билан бирга, Тўртқўл туманидаги «Абсолют жемчуг ИЕН» ва «Тўртқўл нон» ғаллачилик кластери жами 785 тонна ғаллани оморга топширмай келаётгани аниқланди ва тез фурсатда оморга тўлиқ топширилиши таъминланди.

Афсуски, соҳада аниқланган салбий ҳолатлар шундангина иборат эмас. Яъни, «Абсолют жемчуг ИЕН» хусусий корхонаси ва «Тўртқўл дон маҳсулотлари» МЧЖ давлатга жами 3 301 тонна ғалла топшириш бўйича шартнома тузган. Аммо мазкур хусусий корхона ва жамият Қорақалпоғистон статистика бошқармасига 2020 йил 26 июнь куни 3 300 тонна дон қабул қилгани ва режа 98,8 фоиз бажарилгани ҳақида маълумот берган. Ҳақиқатда эса 2 640 тонна дон топширгани ва 660 тонна ғалла қўшиб ёзилгани аниқланди. Шунингдек, соҳада бундан бошқа қўшиб ёзиллар ҳам аниқланиб, зудлик билан бартараф этилди.

Шунингдек, прокуратура органларининг ёрдами билан республика бўйича давлатга 111 406 тонна ғалла топширилиб, режа 110 фоиз бажарилишига эришилди.

Республика прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг пиллачиликни ривожлантиришга оид қарорлари ижроси ҳам қатъий назоратга олинди. Хусусан, республикада «Бўстон-силк» МЧЖ ва «Жайхунсилк» МЧЖ ташкил қилинди.

Жорий йилда жами 3 447 та касаначи ва 1 197 та фермер хўжалиги билан пиллачилик корхоналари ўртасида 700 тонна пилла топшириш бўйича, шунингдек, ипак куртини парваришлаш учун 5 670 нафар курт боқувчилар ўртасида меҳнат шартномаси тузилди. Энг асосийси эса пиллакорлар 12 727 кути ипак курти уруғини жонлантириш учун талаб қилинадиган барча асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Пиллакорларимизнинг ҳалол меҳнати туфайли Қорақалпоғистонда давлатга пилла топшириш режаси ҳам ортиги билан бажарилди. Бундай ютуқларга эришишда уста деҳқонларимизга, пиллакорларимизга кўмакчи бўлганимиздан мамнунмиз.

Қадирбай БЕКМУРАТОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

КАССАГАМАС КИССАГА

Аввало «қаҳрамон»ларимиз билан танишиб олсак. Рифат Пирмуродов 1985 йилда туғилган. Маълумоти олий, «Микрокредитбанк»нинг Муборак филиалида ички назорат бўйича бош мутахассис лавозимида ишлаган. Оилали, битта фарзанди бор.

Шахноза Абдурахмонова 1995 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-махсус, «Халқ банки»нинг Муборак филиали касса-амалиёт бўлими 4-махсус кассаси кассири вазифасида ишлаган, ҳозир вақтинча ишсиз. Оилали, битта фарзанди бор.

Рифат 2012 йилдан бошлаб «Микрокредитбанк»нинг Муборак филиалида ички лавозимларда ишлади. 2014 йил 19 июндан 2017 йил 4 сентябрга қадар филиалнинг ички назорат бўйича бош мутахассиси бўлган.

Дастлаб банк филиали учун алоҳида бино бўлмагани сабабли у «Муборак нефт-газ» МЧЖнинг ёнида жойлашган автосаройда вақтинча фаолият юритиб келди. 2015 йилда банкка алоҳида бино ажратилди. Янги бинога кўчиб ўтишга Рифат ҳужжатлар орасида архивдан банк мухри туширилган 50 та оқ қоғоз топиб олди ва янги хонасидаги сейфда сақлаб келди. 2017 йил 4 сентябрь куни ишдан бўшатиладиган сўнг шу қоғозларни олиб кетди. Шундан кейин банкка жамоатчи сифатида кириб-чикиб юрди. Аммо айрим фуқаролар уни банкда ишлайди деб ўйлашарди.

Нима бўлди-ю, банк атрофида ўраланиб юрганида 2018 йилнинг январь ойидан декабрь ойига қадар йўл ҳаракати қои-

даларини бузган 42 кишининг жарима тўлаш мақсадида юрганини билиб қолди. Кўнлига шум ният оралади. Уларга банкка пулини тўлаб беришини айтиб, 16 млн. сўмдан ортиқ пулини олди. Пул тўлангани ҳақидаги ҳужжатни муҳр қўйилган оқ қоғозларга принтерда чиқариб олиб, ўзича турли имзоларни қўйган ҳолда тўловчиларга тутқазди. Пулни эса ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Шахноза Абдурахмонова аввалига «Халқ банки»нинг Муборак филиали кассири вазифасида ишлади. 2018 йил 1 мартдан 13 ноябрга қадар 4-махсус касса кассири вазифасида фаолият кўрсатди.

У Муборак тумани ИИБ профилактика инспекторларидан 2018 йилнинг февраль-июль ойларида паспорт тизими қоидаларини бузган 105 нафар ҳуқуқбузарга тайинланган жарималарни банкка кириб килиш учун қабул қилиб олган. Аммо пуллар кассага эмас, кассага кирди. Шахноза шу тарзда 12 млн. 265 минг 220 сўм пулни ўзлаштириб юборди. Қитаяцияларга эса турли-туман имзоларни қўйиб юборди.

Шаҳар бедарвоза эмас. Вилоят ички ишлар бошқармаси назорат-тафтиш инспекцияси Муборак тумани ИИБ профилактика инспекторлари, ЙХХТ, МФРБ ҳуқуқбузарларга нисбатан қўллаган жарималарнинг

ундирилишини ўрганганида кингирликлар ошқор бўлиб қолди. Сохта қитаяциялар текширувчиларнинг эътиборини тортди...

Суд мажлисида Рифат ва Шахноза айбларига иқдор бўлиб, пушаймонликларини билдиришди. Етказган зарарни қоллаганини маълум қилиб, суддан қонуний енгиллик сўрашди. Сулланувчиларнинг жинояти бундан ташқари гувоҳларнинг кўрсатувлари ва тўпланган бошқа далиллар билан ҳам исботини топди.

Суд ҳукм қилди. Рифат Пирмуродов 1 йил муддатга банкларда мансабдорлик ва молдй жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди ва унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йилу 1 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шахноза Абдурахмоновага эса жазо тайинланмади.

Мазкур жиноят иши бўйича етказилган зарар тўлиқ қоплангани ҳамда фуқаровий даъвогарларнинг сулланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги қайд қилинди.

Жарималарни чўнтакка урган «банкир»ларнинг ўйини ана шундай хотима топди.

Фаррух ОРЗИҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти
прокуратураси бўлими прокурори

АЛДАНГАН МАҲКУМ

Жиноятга жазо муқаррар. Аммо киши содир этган жинояти учун жазо ўтаб турган ҳолатда яна жиноятга қўл уриши кўпчиликнинг ҳаёлига келмас керак. Афсуски, жазо муддатини ўтаётиб эски ҳунарини қўмсаб қолган Бахтиёр Қодировнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишларига хайрон қолмай иложингиз йўқ.

Бахтиёр Қодиров фирибгарлик қилгани учун бир неча бор сулланган. У навбатдаги жиноятни содир этгунга қадар Тошкент вилоятидаги колонияларнинг бирида аввалги жинояти учун жазо муддатини ўтаётган эди.

2019 йил 2 август куни у ўзига ўхшаб жазо муддатини ўтаётган маҳкум Алишер Акмаловнинг ишончига кириб, унга таниш адвокати орқали озодликка чиқишига ёрдам беришини айтиди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, аввалига у Алишердан 1850 АҚШ доллари ва 1 млн. 315 минг сўм пул олиб, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборди. Маҳкум шеригига берган вадасини ўша заҳоти унутди.

Бахтиёр «алданган маҳкумнинг шикоятини ким ҳам эшитарди» деган ўйда эди. Аммо бу хомхаёл эди, холос. Дастлабки суриштирувда Б.Қодиров маҳкум А.Акмаловдан бу пулни

қарзга олдим деб айтиди. Аммо тўпланган далиллар ва жабранувчининг кўрсатмаси фирибгарлик жинояти содир этилганини тасдиқлади.

Қачон, қаерда ва қандай содир этилганидан қатъий назар, жиноят учун жазо муқаррар. Суд ҳукми билан Бахтиёр Қодиров ўта хавфли рецидивист деб топилиб, унга ўталмай қолган жазоси қўшилган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, ибтидоси бўлган ҳар бир ишнинг интиҳоси ҳам бўлади. Зеро, ҳадиси шарифда «албатта, ҳалол очик-ойдиндир, ҳаром ҳам очик-ойдиндир» деб бежиз айтилмаган.

Баҳром ЯКУБОВ,
Тошкент махсус прокурори

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА

ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ



Ўзбекистонда инсон қадр-қимматини ошириш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойилга амал қилинапти.

Таъкидлаш жонзки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида унинг оқибатини эмас, балки сабабларини бартараф этиш бўйича халқаро тажрибада кенг қўлланиб келаётган профилактик чораларни амалиётга татбиқ этишга эҳтиёж бор. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўпимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосан ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўл-

ган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини (compliance control) босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

Хорижий амалиёт таҳлили шунини кўрсатдики, бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали усулларидан бири ўз таркибиди ички назорат тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашишнинг комплаенс назорат тизими – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хатари,

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва унга чек қўйиш, қонун бузилиши ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир. Бундай тизим илк бор АҚШда 1906 йилда вужудга келди. Бу фаолияти жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши билан боғлиқ.

«Baker and McKenzie» халқаро юридик фирмасининг 2019 йилги маълумотида кўра бугунги кунда 150 дан ортқ мамлакатда коррупцияга қарши ички назорат тизими жорий этилган.

Давлатимиз қонунчилигига комплаенс назорат тушунчасининг кириб келиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон

Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан боғлиқ. Ушбу фармон асосида 2019 йилдан бошлаб БМТ тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошқора бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган, фаолияти хорижий бозор билан интеграциялашган субъектларда тажриба сифатида ички назорат тизимини жорий этиш бўйича «White and Case» (АҚШ), KPMG (Италия) халқаро аудиторлик компаниялари иштирокида халқаро тендер ўтказилди.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек ва Бўқа тумани ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекнефтгаз» ва «Ўзкимёсоанот» акциядорлик жамиятларида лойиҳани амалга ошириш жараёни кетмоқда.

Шунингдек, 2020 йил 15 мартда Бош прокуратура ташаббуси билан Ички ишлар, Транспорт, Мактабгача таълим, Энергетика, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда ушбу соҳаларда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида босқичма-босқич ички назорат тизими жорий этишга келишилди.

Айтиш лозимки, мазкур тизим коррупция хатарини ўз вақтида аниқлаш ва унга чек қўйишга хизмат қилади.

Каримжон МУСАШАЙХОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори
Сардоржон МАМАНОВ,
Бош прокуратура академияси магистри

FAOLIYAT

БАХТДАН МОСУВО ҚИЛГАН ХАТО

Гулзода ўша кунлари жуда бахтли, ширин хаёл сурарди. Олдинда уни оналик масъулияти кутаётганидан ҳам севиниб, ҳам ҳадиксираб қўярди. Аммо ҳаёт бешафқат, ҳамиша биз ўйлагандай бўлавермайди. Бир шифокорнинг эътиборсизлиги Гулзодани бир умр армонда яшашга маҳқум қилди.

Илк бор ҳомилдор бўлган аёл ўз вақтида тиббий кўриқларга бориб, шифокорларнинг кўрсатмаларига амал қилиб келаётганди. Ҳомилдорлик даврида бирор жойи оғримаянди. Аёлнинг ҳомилдаси тўққизинчи ойга ўтган, охириги текширувлардан ўтганда ҳам ҳаммаси яхши эди.

Бир куни ярим кечаси Гулзодани тўлғоқ тутди, у тезда қайнонасига хабар берди. Яқинлари уни Нарпай туман тиббиёт бирлашмасига олиб боришди.

Тугурук мажмуасида акушер-гинеколог Дилшод Закиев навбатчи экан. У бу ерда қарийб 30 йилдан бери ишлаб келарди.

Гулзодани ҳамширалар қабул қилгандан кейин шифокор текширувлан ўтказди.

– Бунча ваҳима қилсан, энди тугурук йўлининг биттаси очилибди, – деди Д.Закиев. Ўша пайтда Гулзоданинг қон босими ҳам жойида эди. Аммо қорнидаги боласининг юрак уриши сезилмаётганини айтишди. Бунга аниқлик киритиш учун шифокорлар мазкур ҳолатни ултра-товуш аппаратида текширишди. Афсуски, тахмин тўғри чикди. 37-38 ҳафталик ҳомиланинг юраги тўхтаб қолганди.

Шундан сўнг Д.Закиев ҳомила нобуд бўлганини Гулзоданинг ота-онасига маълум қилиб, бошқа шифокорлар билан маслаҳатлашиб ҳомилани олиб

ташлаш чораларини кўришини айтади.

Шифокор шундай деб бир аёлнинг соғлиғига безътиборлик қилди. Аслида ўша пайт Гулзоданинг нобуд бўлган боласи жарроҳлик йўли билан олиб ташланганда, унинг орзулари саробга айланмасди.

Орадан бир неча соат ўтгач, «Самарқанд шаҳарга, перинатал марказга олиб боринглр, болани олиб ташлайди», деб Гулзодага рухсат берди. Машина топиб, шаҳардаги шифохонага етувчи анча вақт ўтди. Қолаверса, йўлда аёлдан қон кетиб, ахволи ёмонлашди.

Перинатал марказига олиб келинган Гулзоданинг ранги оқариб, қон кетишдан кейинги шок белгилари борлиги туфайли у зудлик билан ултра-товуш текширувидан ўтказилди. Ҳомила нобуд бўлгани, шунингдек ҳомила йўлдоши марказидан кўчгани аниқланди. Зудлик билан жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, нобуд бўлган бола олиб ташланди.

Бола нобуд бўлгани етмаганидек,

орада йўқотилган вақт ҳам аёлнинг соғлиғига таъсирини ўтказганди. Шифокорлар Гулзоданинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида яқинларининг розилиги билан зарарланган бачадонни ҳам олиб ташлашди.

Экспертлар бемор тиббий ходим кузатувисиз Самарқанд вилояти перинатал марказига юборилгани ва вақт йўқотилиши туфайли шундай ҳолат юзага келгани, вақоланки, беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатилганда бундай ҳолат содир бўлмаслигини айтишди.

Д.Закиевнинг ўз вазифасини лозим даражада бажармагани беморнинг оғир жараҳат олишига сабаб бўлган. Бу лоқайдлик жазосиз қолмади. Суд ҳукми билан Д.Закиевга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Жаҳонгир УБАЙДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

ҚОРАДАН-ДА ҚОРА БОЗОР БУ...

Жиноят оламида қорабозорлар етарли. Бировида қурол-яроғ сотилади, бошқасида наркотик моддалар, яна бошқасида контрабанда маҳсулотлари... Бу бозорлар ичида қорадан қораси борки, инсоният бу иллатдан қадим замонлардан буён қутула олмай келади. Юқоридаги бозорларнинг барчасида одамзоднинг тийиқсиз нафсини ноқонуний қондирадиган маҳсулотлар растага кўйилса, биз айтмоқчи бўлган энг жирканч дўконда инсоннинг ўзи билан савдо қилинади. Тўғрироғи, унинг эрки, озодлиги, ори ва номуси билан...

ҚАЙТАЛАГАН ҚУЛДОРЛИК ВАСВАСАСИ

Қинғир йўл билан бойлик орттириш истаги одам боласини хамиша ҳалоқатга етаклаган. Наркотик моддалар ва қурол савдоси, бировнинг мулкни талон-торож қилиш, ўғирлик, фирибгарлик каби жиноятлар замирида, шубҳасиз, осон пул топиш мулдоаси ётади. Бугунги кунга келиб ана шу қора рўйхатдан қадим замонлардан қолган яна бир жиноят ўрин эгаллади. Бу – одам савдоси. Ер юзидида ҳеч бир давлатнинг қонуни, қолаверса, халқаро-ҳуқуқий метёрлар ҳам одам савдосига йўл қўймайди. Бирок 1990-йиллардан бошлаб жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида одам савдоси авж олиб бора-япти.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра дунёда 30 миллиондан 200 миллионгача киши мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси ҳисобланади. Энг ачинарлиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра одам савдоси қурбонларнинг 71 фоизи аёллар ва болалардир. Кўпчилик тадқиқотчилар одам савдосини ҳатто наркотик моддалар сотишдан ҳам даромадлироқ деб ҳисоблайди. Бу фикрни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ...

Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят бўлиб, XIX аср охири-ларидек унга қарши кураш бошланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африкага кенг кўлами миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисаси кузатишган. Бунга барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, Оқ қўллар савдосига қарши курашиш конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция Аёллар ва болалар савдосини

йўқотиш ва Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашиш секин-аста ривожланиб, 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган. Шундан сўнг Инсон ҳуқуқларининг Европа конвенцияси, Қуллик хусусидаги конвенция, Қулликни йўқотиш амалёти тўғрисидаги қўшимча конвенция, Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисидаги конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўллана бошланган.

АЛДОВ ИСКАНЖАСИ

Табиийки, аёллар эркакларга нисбатан нозик, ишонувчан ва хиссиётга берилувчан бўлишди. Алдов, зўравонлик, таҳдириш ва каллоблик воситасида ўз мақсадини амалга оширувчи одамфурушлар учун аксарият аёлларга хос бу хислатлар жуда кўп келади. Одатда катта маош тўланадиган иш тақлифи кўпчилигининг, айниқса, ёш қиз-жувонларнинг бошини айлантириб қўяди. Оқибатда осонгина қўлга киритилган ўлжа катта даромад келтирувчи воситага айлантирилади. Бу – ўлжани овлашнинг биринчи босқичи.

Симёғоч ва автобекатларда хоржий давлатдаги юқори маош тўланадиган турли ишлар тавсия қилинган эълонларга кўзингиз тушгандир? Албатта, чет элда ишлаб пул топишнинг ёмон томони йўқ. Чунки ишбилармон одам имкониятидан келиб чиқиб, ўзига мос ишни танлашади ва бунинг ортидан даромад топишга тўла ҳақли. Қолаверса, чет элга чиқиб ишлаш учун қонуларимизда ҳам ҳеч қандай чеклов йўқ. Аксинча, мутасадди идоралар ана шундай мақсадни кўзлаган фуқароларга бажонидил кўмаклашади, йўл-йўриқ кўрсатади. Аммо баъзи каллоблирнинг гапига ишониб иш тутсангиз-чи? У ҳолда алданиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

– Бир аёл билан тақсиди Тошкентга кетдик, суҳбат давомида у хоржий давлатлардан бирида

ишлаб, катта пул топиш мумкинлигини айтиб қолди, – дейди А. исмли аёл. – Хохши устун келиб, дугонам билан ҳамсуҳбатимизнинг гапларига кизиқиб қолдик ва у ерга бормоқчи бўлдик. У ерда кўрмаган азобимиз қолмади. Бизга берилган ваъдалар ёлғон экан...

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Саробни кўрганмисиз? Унинг ғалати хусусияти бор: чўлда чанқоқдан тинкангиз қуриб, узокка қарсангиз, худди денгиз ястаниб ётгандек кўринади, бораверсангиз, у узоклашаётгандек бўлаверади. Бораверасиз, бораверасиз, охири йўлингизда саҳродан бошқа ҳеч вако йўқдигига ишонасиз. Фирибгарларнинг ваъдалари ҳам саробга ўхшайди: яқинлашганингиз сари узоклашади ёки бутунлай ғойиб бўлади.

Яхши ният билан чет элга йўл олган одам савдоси қурбонлари ҳам саробга алданиб қолганини афсус билан тан олишади. Аслида ҳам шундай: кўйингизни пуч ёнгокка тўлдиришганини манзилга етиб борганингиздан сўнг англай-сиз.

Аваллига зўрлик ёки алдов билан кўлингиздан паспортингизни олиб қўйишади. Сўнг таҳдид билан ўзингиз хоҳламаган ишга мажбур-лашади.

Юқорида таъкидлаганимиз А. исмли кизнинг хасратидан чанг чиқади:

– Чет элда ишлашимиз учун бизни сайёҳлик визаси билан олиб чиқишган экан. У ерга етиб борганимиздан кейин дугонам иккаламизнинг паспортимизни олиб қўйиб, энг тубан «ишга мажбур-лашди. Уларнинг зулмидан қочиб кимга мурожаат қилишни билмас-дик. Оқибатда ўзимиз билангадан ҳолда ноқонуний ишлаганликда айбланиб, жазага тортилдик...

Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бирок уларни жамлаб таҳлил қилганда шундай ҳулоса келиб чиқади: одам савдоси жинояти қаллобликка асосланган. Алдовга учиб, катта пул топиш орзуси эса саробнинг ўзгичаси.

ҚОНУНИ БИЛСАНГИЗ – ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Бу жиноят жабрдийдаларининг асосий хатоси – улар қонунни билмайдми ёки билса ҳам амал қилмайдми. Ваҳоланки, 2010 йил 30 июлда БМТ Бош ассамблеясининг 64/293-резолюцияси билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича глобал ҳаракат дастури қабул қилинган. Мазкур дастурда ушбу жиноятнинг олдини олиш, жабрдийдаларнинг ҳимояси, жиноятчиларни таъбиқ этиш ва барча йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш чоралари кўзда тутилган. Шунингдек, 2013 йилда БМТ томонидан 30 июль Бутунжаҳон одам савдосига қарши кураш кунини деб эълон қилинган.

Ўзбекистонда одам савдосининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асос яратилган. Чунончи, Жиноят кодексига бундай йўлга қадам қўйиш ноқонуний ҳаракат дея баҳоланиб, жиноятнинг қўлами ва оқибатига қараб ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган Одам савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга қўшилди. БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларнинг сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жозалаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди. Хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосига қарши кураш ҳақида бир қатор шартномалар имзоланди. Шунингдек, 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, 2008 йил 8 июлда «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш, жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш комплекс характерга эгалити инobatта олиниб, давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ношароат ташкилотларнинг буюрадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига қар-

ши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди. Ҳозирги кунда комиссия одам савдосининг олдини олиш ҳамда жабрланувчиларга ёрдам қўрсатишга қаратилган бир қатор тадбирларни ўтказиб келаяпти.

Шунга қарамай мамлакатимизда бундай жиноятнинг қамаймаётгани таъшишларидир. Бугунги кунга келиб ушбу жиноят дунё ҳамжамиятининг огрикли нуқтасига айланди. Имони ва виждонини пулга сотаётган, қалбини дунё хирси эгаллаб олган кимсалар жиний ҳаракатларини тўхтатмапти.

Ҳеч бир мамлакат одам савдосидан тўлиқ ҳимояланмаган. Негаки, бундай трансмиллий жиноят барча давлатларга кириб борган, ҳар бир мамлакат у ёки бу шаклда бу иллатдан жабр кўрмоқда. Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятининг бир бўлаги сифатида бу муаммони бошдан кечирмоқда.

ИНСОН КАДРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Хулоса қилиб айтганда, бугун одам савдоси жинояти барчамиздан хушёрликни талаб этади. Зеро, ҳар бир инсон эмин-эркин яшашига ҳақли. Шу боис ушбу жиноятга барҳам бериш, унга қарши курашиш ва унинг олдини олиш – катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифа. Бу ишдан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Ёшларни тўғри йўлга бошлаш бугун жамоатчиликнинг диққат марказида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўз йўлини топган одам бегона юртларга иш излаб кетмайди, кимларингидир қўлида хор бўлмайди.

Инсон кадри ҳамма нарсадан устун. Ёшларимиз бахтни бошқа юртлардан эмас, она заминимиздан изласин. Маънавият ва фарзанд тарбияси ҳар қандай бойликдан устунигини унутмайлик. Инсон шаъни ва эркинлигига таъовуз бутун жамиятга қарши қаратилган ҳар биримизни хушёр тортириши лозим. Инсоний кадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахс қонун олдида жавоб бериши керак. Бу нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки ҳар биримизнинг вазифамизга айланмоғи шарт. Шундангина юртдошларимиз одам савдосидек мудҳиш жиноят қурбонига айланишининг олдини олган бўлаемиз.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нидо»

«ОТАМДАН НАФРАТЛАНАМАН...»

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бундан тўрт-беш йил олдин мактабда ўқийдиган ўғлим ғамгин кайфиятда келди. Унинг чеҳраси тундлигини кўриб, хавотирга тушдим. Нима бўлгани билан қизиқдим.

«Яхшиям сиз ичмайсиз, чекмайсиз, шундан жуда хурсандман, — деди ўғлим. — Синфдошим Озодга ичим ачийди. Отаси ҳар куни ичиб келиб, жанжал қиларкан. Озод мактабга кам келади. Гоҳ кўзи, гоҳ кўли, яна бир жойлари кўкарган бўлади. Бугун синфдошим йиғлади, отамдан нафратланаман деди». Ўғлимнинг бу сўзлари менга қаттиқ таъсир қилди. Пиёниста оталарнинг болаларига нечоғлиқ оғирлигини ўғлимнинг синфдоши тимсолида кўргандай бўлдим.

Кафеларда ичиб ўтирган, ичиб тўйларни бузадиган, кўча-кўйда маст-аласт юрадиган кишиларни кўрсам, уларнинг фарзандлари бормикин, бўлса қандай турмуш кечираётган экан, қалбларини қандай азоб кемираётган экан деб ўйлайдиган бўлдим. Зеро, ичкиликка берилган оталарнинг кўпчилиги жанжалкаш. Оилада фарзандларига ибрат бўлиш ўрнига тарбиясига салбий таъсир кўрсатишади. Болаларини турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, нафсониятига тегишади. Аёлларини уришади. Оилада ҳар куни давом этадиган жанжаллар оқибатида барака кўтарилади. Кўш уясида кўрганини қилади деганларидек, уларнинг фарзандлари ҳам вояга етиб-етмай ичишни, сигарет чекишни ўрганади. Олдида улкан мақсадларни кўйишга қийналади.


Халқимизда азалдан майпарастлик қораланган. Бугун ҳам ёши улуг инсонлар спиртли ичимлик истеъмол қилишга муккасидан кетганларга нафрат билан қарайди. Чунки ичкиликбозлик гиёҳвандлик каби инсон онгини захарлайди, виждонини издан чиқаради, саломатлигига жиддий зиён етказиши. Ичкиликка берилиш оқибатида соғлиғидан айрилган ёки бевақт ҳаётдан кўз юмган киши-

лар қисмати барчага сабоқ бўлиши керак. Қолаверса, бу жамият тараққиётига раҳна солувчи иллат саналади.

Ривоятлардан бирида айтилишича, бир маккор аёл мўмин йигитдан учта шартдан биттасини бажаришни талаб қилади: май ичиш, зино қилиш, норазида гўдакни ўлдириш. Май ичишни энг зиёнсиз деб ҳисоблаган йигит кейин икки гуноҳга ҳам қўл уради. Бу ичкилик инсон онгини захарлашдан далолатдир. Афсуски, кейинги пайтларда ичкиликка берилганлар орасида аёллар ва ёшлар кўпайиб бормоқда. Баъзан келинларнинг қайнота, қайнога ва қайнуқалари билан ёки ўғилларнинг оналари билан арок ичаётганини кўриб ёка ушлайсан киши. Қадриятларимизга ёт бўлган, гуноҳ саналган бундай ишлар оқибатида эса янада оғир ва кечирилмас қилмишлар, жиноятлар содир этилаётгани янада афсусланарлидир.

Спирт захридан аксарият ҳолларда жигар, юрак ва мия касалланади. Миокард инфарктининг 40 фоизи айнан спиртли ичимлик истеъмол қилиш сабабли юз беради. Маълумотларга кўра шаробга ружу кўйганларнинг 85 фоизи бу зарарли одатдан халос бўла олмайди. 7 фоизи бир неча бор даволаниб, яна ичишни бошлайди, 8 фоизигина даволаниб, бошқалар каби соғлом турмуш тарзига риоя қилар экан.

— Ўз навбатида, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳулосаларига қараганда, спиртли ичимликларни мунтазам ичадиган одамларнинг 6-7 фоизи пиёнистага айланб қолади. Автомобилни маст ҳолатда бошқариш йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг асосий сабабларидан бири саналади. Ҳар йили



рўй бераётган аварияларнинг 20 фоизи маст ҳайдовчилар йўл ҳаракати қондасини бузиши оқибатида содир бўлмоқда. Алкоголизм эркакларда аёлларга қараганда уч баробар кўп учрайди, — дейди **невропатолог Элбек Болтаев**.

Шифокорнинг айтишича, инсон мияси алкогольнинг асосий нишонларидан бири. Доимий равишда ва меъёридан ортик спиртли ичимлик истеъмол қилиш мия фаолиятини сусайтиради. Алкогол мияда қон айланишини секинлаштириб, нейронларнинг доимий кислотод етишмовчилигига сабаб бўлади. Натижада фикрлаш ва хотира сусайиб, руҳий деградация ривожланади.

Ҳа, майпарастлик инсон руҳига, вужудига, жамиятдаги мавқеига путур етказиши. Ичкиликбозлик оқибатида пароканда бўлган оилалар қанча. Ичувчининг оила аъзолари руҳий, маънавий, иқтисодий азият чекади.

Яқинда ўғлимдан синфдоши ҳақида сўраб қолдим. Озод 9-синфни тугатиб, кишлоқ хўжалиги коллежиде ўқишини

давом эттирибди. Сурункали калтақлар таъсирида онаси майиб бўлиб қолибди. Озод коллежни ташлаб, хорижга ишлаш учун кетибди. Шундан бери хат-хабар йўқ экан.

Эҳ, балки отаси пиёниста бўлмаганида Озод бирон касб ё хунарнинг этагини тутган, ҳозир тенгқурлари қатори олий ўқув юртида таҳсил олаётган бўлармиди?

«Бир-икки пиёла ичган билан ҳеч нарса қилмайди» дея ароқ шишасини қўлга олаётганлар ўз ихтиёридан, ақлу хушидан айрилиши ҳақида ўйлаб кўрармикин? Соғлиқ учун деб сипқорайтган шароблари уларни разолат ботқоқига бошлаётганини билишармикин? Нафақат ўзларининг, оилаларининг, фарзандларининг ҳам ҳаётини издан чиқаришлари мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўришганмикин? Ҳали виждонидан айрилиб улгурмаганлар тўғри ҳулоса чиқаришидан жуда-жуда умидвормиз...

Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Нурқ»



ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ҚАДДИ БУКИЛДИ(МИ?)

Баъзи стереотиплар вақти келиб ўзгаради. Баъзилари эса ўзгармасдир. Масалан, аёл уйда ўтириб, фақат бола тарбияси ва уй ишлари билан шуғулланиши керак деган қараш кўп тортишувларга сабаб бўлган. Ана шундай қарашлардан бири ёшларнинг кийиниш маданияти билан боғлиқ.

Енгил-елпи, очик-сочиқ кийинган қизларни, беўхшов кийинган йигитларни кўриб маломат қиламиз. «Уларни кимдир назорат қиладимиз ўзи?» деб ёзғирамиз ҳам.

Хўш, бу каби ўзгаришни чегаралаш, тўхтатиш имкони борми?

Ёшларга замонавий кийимлар ярашади, албатта. Ҳатто сўзлашувда ҳам уларнинг ўз усули бўлади. Хатти-ҳаракати, фикрлари, қарашларида ҳам ўзига хослик кузатилади. Бир қарашда кишининг гашига тегадиган гап-сўзлари ҳам бор.

Аслида маданий жараёнлар бир жойда қотиб турмайди. Ҳар даврнинг ўз меъёрий қоидалари бўлади. Буни авлодлар тўғри англаши керак. Қадрият ва аъёналар, миллий феъл-атвор, менталитетга мос ўзгаришлар бўлишини табиий қабул қилиш лозим. Меъёрий чегараларнинг бузилиши ҳам оддий ҳолат аслида.

Биз ёшлар, хусусан, қизларимизнинг тор шим, қалта юбка, тор кўйлак кийишини ёқмаймиз. Аммо маданиятнинг вақт

ўтиб ўзгариб боришини табиий қабул қилиш керак. Бу каби ҳолатлар авлодлар ўртасидаги фикрлар тафовути, маданиятларнинг фарқи қабул қилиниши билан боғлиқ ҳодисадир.

Замонавий жамият тез ўзгараётти. Баъзи соҳаларда аъёналарнинг шаклланиш, шу билан бирга, йўқолиб кетиш жараёни ҳам тезлашмоқда. Маълумки, маданий, қадимий аъёналар одатда янгиллик ва инновацияларга қарши қўйилади ва қабул қилиниши ҳам мураккаб кечади. Аслида бу табиий жараёндир. Ҳар қайси авлод вакиллари ўзи учун қадим ва ўзгармас аъёналар доирасида фикрлайди. Шу тарзда баъзи воқеалар, янгилликлар, хулқ-атвор меъёрлари эриш туюла бошлайди.

Бу бутун дунёда кузатилаётган ҳодиса. Кекса авлод вакиллари ўз қоидаларини тўғри деб билса, ёш авлод ўз қарашларида собит туради.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
журналист



FAOLIYATIDAN

ИЛЛАТ ҚИДИРГАН АЁЛЛАР

Кейинги пайтларда мамлакатимизда психотроп дорилар истеъмоли кўпайгани кўпчиликини, айниқса, ўспирин фарзанди бор ота-оналарни хавотирга солиб қўйди. Чунки бугун бу дориларнинг асосий истеъмолчиси беморлар эмас, ёшлар бўлиб қолмоқда. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, юртимизда кучли таъсир қилувчи моддалар айланишини тартибга солиш ва аҳоли соғлигини асрашга қаратилган чоралар кучайтирилди.

Мутахассисларнинг фикрича, асосан шифокор тавсиясига кўра невралгия, тутқанок ва кучли оғриқка қарши бериладиган психотроп моддаларнинг маълум бир қисми наркотик дорилар ҳисобланади ва улар Ўзбекистонда расман наркотиклар рўйхатига киритилган. Махфират Жўраева эса шунини билгани ҳолда бундай дори билан бир инсонни таъминламоқчи бўлди.

- Ало, опа, бир ёрдамнинг керак бўлаяпти.
- Нима ёрдам экан?
- «Сонекс» топмасам бўлмайди.
- У дори ҳисобда туришини биласизми?
- Сизнинг танишларингиз кўп-ку, бир ёрдам беринг...

Кўнғирок қилган Ойгул туш пайти Махфиратнинг олдида келди ва «Сонекс» дорисини топмас бўлмаслигини айтиб, уни тушликка таклиф қилди. Махфират

Шофиркон тумани марказидаги дорихонага кириб ҳисобда турадиган дорини суриштирганда дорихоначи у фақатгина шифокор реценти асосида берилишини айтди. Дори жуда зарур бўлиб турганда уни топиб берса, албатта ўзи ҳам манфаатдор бўлишини ўйлаган М.Жўраева илгари бирга ишлаган таниши туман тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиникада ишлашини эслаб қолди.

– Кечалари умуман ухлай олмаган, опа, – деди Махфират ялингансимон ролга кириб шифокорга.

Невропатолог Хурсандой Аминова унинг илтимосини рад этмади. Аксинча, назоратда турувчи тамоман бошқа бир бемор номига рецент ёзиб берди.

Дорихонага қираётганида Ойгул унинг қўлига 430 минг сўм пул тутқазди. Дорихоначи ваколати доирасида обдан суриштириб, икки қути «Сонекс зориклон»

дорисини чиқариб берди. Дори учун 53 минг сўм пулни оларкан, рецент қоғози орқасига М.Жўраевага имзо ҳам қўйдириб олди.

Судда «таркибида психотроп модда бўлган ишбу доридан қолган пулни эгасига қайтармоқчи эдим» дейилган изоҳ ҳақиқатдан анча йироқлигини газетхон ҳам жуда яхши англайди. М.Жўраева жиноят устида қўлга олинганда ҳам бу ҳаракатини танишимга яхшилик қилмоқчи эдим деб оқлашга уриниши бефойда эди.

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Қолаверса, жиноят учун жазо муқаррар. Мазкур ҳолат бўйича айбдор деб топилганларга суд ҳукмига кўра жазо тайинланди.

Баҳодир МУРОТОВ,
департаментнинг Шофиркон тумани бўлими инспектори

РУХСАТНОМАНИНГ БАҲОСИ

Орамизда фибрибгарлар кўпайиб кетди. Лекину аёл бўлса-чи? Азалдан улуглаб келинган, жамият ва мамлакат келажаги учун масъул ҳисобланган она бўлса-чи?

Гуландом Акбарова ана шундай аёллардан экан. У Қибрай тумани ДСЭНМ овқатланиш гигиенаси бўлимида санитар ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, фибрибгарлик ҳамда пора беришга ундаш жиноятини содир этган.

Г.Акбарова фуқаро Муаттар Ғуломовга қармоқ ташлайди. У бунда ўзининг ДСЭНМда ишлашидан фойдаланади. М.Ғуломов Тошкент вилоятида ошхона очиб ниятида эканлигини

билгач, Гуландом жинойи режа тузади. У М.Ғуломовга ДСЭНМ раҳбарияти орқали унга Тошкент вилоятининг Қибрай, Қўйичирчиқ ва Зангиота туманларида тadbиркорлик билан шугулланиши учун рухсатнома олиб беришини, ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиб, кейинчалик ҳам унга «соёбон» вазифасини ўташини айтади.

Гап орасида бу ўз-ўзидан бўлмаслигини ҳам билдириб, ҳар бир савдо жойи учун бериладиган рухсатномага 500 АҚШ долларидан беришини қистириб ўтади. Аввалига унинг шартига рози бўлган М.Ғуломов кейинчалик бу қонунга зидлигини тушунади ва тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

Хуллас, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари ўтказган тadbирда Г.Акбарова Миробод туманида жойлашган «Корзинка» супермаркети олдида М.Ғуломовдан 1500 доллари фибрибгарлик йўли билан олган вақтида ашёвий далил билан ушланди.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судида атрофлича кўриб чиқилиб, Г.Акбаровага ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ойбек АБДУҒАНИЕВ,
департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи



ҚИНҒИР ЙЎЛНИНГ ОХИРИ

Баҳодир Расулов «Г.А.» МЧЖда бош агроном вазифасида ишларди. Маоши ҳам бир рўзғорни боқишга бемалол етарди, жамоада обрўси ҳам яхши эди. Нима жин урди-ю қинғир йўлни танлади...

У Нишон тумани пахтазорларига гўза касаллиги ва бегона ўтларга қарши сепилдиган 255 млн. 149 минг 500 сўмлик кимёвий дориларни экинларга ишлатмасдан укаси Б.Р. билан жинойи тил бириктириб талон-тороғ қилган.

Мазкур корхона мансабдорларининг мурожаати асосида департаментнинг Нишон тумани бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари иштирокида ўтказилган тadbирда юқорида қайд этилган жиноят фонд этилди.

Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг ҳукмига кўра судланувчиларга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Дилшод ЖАЛИЛОВ,
департаментнинг Нишон тумани бўлими бошлиғи

ҲАВОДАН ПУЛ ҚИЛИШ «САНЪАТИ»

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тadbиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган тамагир мансабдорларнинг қинғир ишларини фош этиш чораларини кўрмоқда.

Хусусан, департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари ўтказётган тadbирларда ер ва биноларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, уларга чек қўйилапти. Департаментнинг Ҳазорасп тумани бўлими ана шундай жиноятни фош этди.

«Қаловини топсанг қор ҳам ёнади» деган гап бор. Бироқ бу бировнинг меҳнати эвазига топилган пулга шерик бўл дегани эмас. «Ҳазорасп универсал савдо комплекси» АЖ ҳуқуқшуноси А.Р.

ҳам қорни ёндириб, ҳаводан мўмай пул қилиш режасини тузади.

У жамият ҳудудида янги савдо комплекси қурилиши ҳақидаги ёлгон гапларига тadbиркор Т.Н.ни ишонтиради. Унга ёрдам қўлини чўзган бўлиб, янги комплексдан 5 та дўкон олиб беришни ваъда қилади ва ҳар бир дўкон учун 3000 АҚШ доллари миқдориде пора сўрайди.

Мазкур масала юзасидан Т.Н. департаментнинг Ҳазорасп тумани бўлимига мурожаат қилади. Унга асосан ўтказилган тadbирда ҳуқуқшуноси А.Р.

тadbиркор Т.Н.дан 15 минг доллар олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланади.

Одамзод баъзан ўйламай қилган иши туфайли йиллар давомида орттирган обрўсидан айрилиши ҳеч гап эмас. Юқорида номи тилга олинган ҳуқуқшунос ҳам таниш-билишлари орасида, жамоаида ўз ўрнига эга мутахассис бўлган. Афсуски нафс юзини шувут қилди.

Дилрабо КУРЯЗОВА,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори



FAOLIYATIDAN

Иктисодий процессуал кодексининг 15-моддаси 1-қисмига мувофиқ суднинг қонуний кучга қирган ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона ва муассасалар, ташкилотларнинг мансабдорлари ва фуқаролар учун мажбурийдир.

МИБ Бухоро шаҳар бўлимига Бухоро шаҳар туманлараро иктисодий суди томонидан 2020 йил 20 май куни юборилган «Нефтьгазстройремонт»

ҚОНУН ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ

Мажбурий ижро бюроси нафақат давлатнинг, балки корхона ва ташкилотлар, жисмоний шахсларнинг ҳам қарзларини ундириб, суд қарорларини тўлиқ бажармоқда.

акциядорлик жамиятидан «Сармижон строй инвест» масъулияти чекланган жамиятига 70 млн. 64 минг сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро иши қабул қилинган ва ижро этилган. Шунингдек, Навоий вилояти Кармана тумани Уйрот кўчаси 123-уйда жойлашган «Нуробод» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқлари ҳам суд томонидан ҳимояланди. Мазкур жамиятга «Бухоро кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонасидан 116 млн. 79 минг 502 сўм қарзи, 1 млн 160 минг 796 сўм давлат бож ва 17 минг 840 сўм, жами 117 млн. 258 минг 188 сўм ундириб берилди.

«Бухоро yo'llardan muntazam foydalanish» унитар корхонаси 20 мартгача 308 млн. 694 минг 657 сўм 87 тийин солиқни тўламаган. МИБ қарзини тўлашни талаб қилди. Иш қонун доирасида олиб борилди. Қарзини узиш тўғрисидаги талабнома бўйича Солиқ кодексининг 60-моддасида белгиланган 10 кун ичида ҳеч қандай эътироз келиб тушмаган. МИБ томонидан мулк хатланган корхона қисқа муддатда солиқни тўлиқ тўлади.

Халим УРУНОВ,
МИБ Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи

ФЕРМЕР ҚАРЗГА БОТДИ

Каттакўрғон туманлараро иқтисодий суди «Мароқанд кластер» фермер хўжалигидан «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акционерлик жамиятига 334 млн. 384 минг сўм қарзини ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Ушбу ҳужжат асосида Мажбурий ижро бюросининг Нарпай тумани бўлими ижро ишини юритган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг бандаги ҳисобрақамга банд солинган ва унга тегишли мулкларни аниқлаш мақсадида мутаъадди идораларга сўровлар юборилган.

Мазкур ижро ҳужжати бўйича «Самарқанд

ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг 334 млн. 384 минг сўм қарзи «Мароқанд кластер» фермер хўжалигидан тўлиқ ундириб берилди.

Шоҳруҳ ТОШПҲАТОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори

ПИНҲОНА ИШ ФОШ ЭТИЛДИ...

Юртимизда электр энергияси ва табиий газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжини тўлиқ қондириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Аммо бу ресурслар туганмас деган хаёлга бормаслигимиз, улардан оқилона фойдаланишимиз тозим.

Лекин айрим кимсалар электр ва газ тармоқларига ноқонуний улашиб олаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Хусусан, Қизилтепа туманида яшовчи Шамсиддин Болтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пенсияга чиққач, уйда бекор ўтирмаслик учун иссиқхона ташкил этган. Иссиқхонада табиий газдан фойдаланишга

келганда керакли ҳужжатларни расмийлаштириб газ тармоғига улашиб ўрнига тармоққа яширинча улашиб олган.

Кўза кунда эмас, кунда синади деганларидек, бюронинг Қизилтепа тумани бўлими ходимлари ўтказган тадбирда унинг пинҳона иши фош этилди ва ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Терговолди текшируви давомида таъминотчи корхонага етказилган 27 млн. 782 минг 400 сўмлик зарар тўлиқ ундирилди.

Эшпўлат ЭШМАМАТОВ,
МИБ Қизилтепа тумани бўлими суриштирувчиси

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УНДИРИЛДИ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 2019 йил 24 июндаги ижро ҳужжатида асосан қарздор ташкилотдан фуқаро Т.Зокировга 2 млрд. 638 млн. 193 минг сўм зиённи ундириш ҳақидаги ижро иши МИБнинг Учтепа тумани бўлимига келиб тушган ва шу кунга ижро ишини юритиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Ижро ҳаракатлари давомида суд ҳужжатининг ижросини таъминлаш мақсадида қарздорга ижро иши юритиш тўғрисидаги қарор топширилган. МИБ Учтепа тумани бўлими томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида 2020 йил 7 июль куни

қарздордан 2 млрд. 638 млн. 193 минг сўм пул ундирилиб, Т.Зокировнинг пластик картасига ўтказиб берилди.

Комил РҲЗИЕВ,
МИБ Учтепа тумани бўлими бошлиғи



КАРАНТИН БАҲОНА ЭМАС!

Ҳозирги кунда мамлакатимизда «COVID-19» инфекцияси тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар қўрилмоқда. Карантин даврида одамларнинг меҳроқибати синовдан ўтмоқда.

Мажбурий ижро бюросининг Жиззах шаҳар бўлимида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2018 йил 15 ноябрдаги буйруғига асосан Э.Соғўлгидан Л.Мелибоевага бир фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлган.

Қардор ҳозирги карантин давридаги вазиятни оқилона баҳолаб, ўз фарзанди учун 5 йиллик – 57 млн. 205 минг сўм алиментни бирийўла тўлаган.

Мажбурий ижро бюроси ахборот хизматидан маълум қилишларича, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2019 йил ноябрь ойидаги қарорига кўра Б.Мухсиновдан Н.Мардоновага фарзанднинг таъминоти учун иш хақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган. Аммо Б.Мухсинов алиментни ўз вақтида тўламагани учун ҳозирга қадар қарзи 10 млн. сўмдан ошган.

Карантинда уйда қолаётган Н.Мардоновага фарзанди учун 5 ойлик алимент пули ундириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, карантин даврида ҳам бюро ходимлари оталарга масъулиятини унутмаслиги юзасидан олиб боратган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда

Гулруҳ БУРХАНОВА,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

СОБИҚ ФАРЗАНД БҲЛМАЙДИ

Бугунги оғир кунларда халқимиз жипслашиб, саховатли ва меҳрибон эканлигини намоён қилмоқда. Аммо шундай вазиятда алимент тўловчи баъзи оталар ўз боласи ҳақида қайғуришни хаёлига ҳам келтирмайпти. Улар орасида Муборак туманида яшовчи Ф.Қ ва Ш.Р ҳам бор.

Фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг 2019 йил 1 апрелдаги қарорига асосан Ф.Қдан О.Х. га битта фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Бюро ходимларининг огоҳлантиришига қарамадан Ф.Қ алиментни тўламай келган. Шу сабабли 2019 йил 1 июлдан 2020 йил 4 июлга қадар унинг қарзи 7 млн. 379 минг 501 сўмга етган.


Шу сабабли ўз фарзандига алимент тўлашдан бўйин товлаган отага нисбатан 6 июль куни 15 сутка маъмурий қамол жазоси тайинланди.

Бундан ташқари, шу туманда яшовчи Ш.Р. ҳам икки фарзанди учун алимент тўламагани сабабли 30 июнь куни 15 суткага қамалган эди.

Фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаётган оталарга эслатма: маъмурий қамол жазоси алимент тўлашдан озод қилмайди.

Гулноза ДИЛМУРОДОВА,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Ўзбекистонда антитана таҳлили ўтказилиши режалаштирилмоқда, бу аҳолининг қанча қисмида коронавирусга қарши иммунитет борлигини аниқлайди.



ВАЗИРЛИКДАГИ КАТТАКОН «ТАНИШЛАР»

Орамизда шундай инсонлар борки, ёлгон қон-қонига сингиб кетган. «Ноёб қобилияти» билан суҳбатдошларининг ишончини қозониб, фириб тўрига идинтиришга уста улар.

Наманган шаҳрида туғилган Элёр Мадиевни ҳам бемалол ана шу тофага киритиш мумкин.

Букрини гўр тўғрилайди деганларидек, олий маълумотли бўлган, пойтахтдаги нуфузли ташкилотлардан бирида ишлаган бу йигит фирибгарлиги туфайли уч марта судланган. Нафсининг сўзига кириб, ҳалол ризкидан ҳам айрилган.

2018 йил май ойида у Тошкентда янгиқўрғонлик Малоҳат Эралиева билан танишиб қолади. Ўзининг вазирликлардан бирида ишлашини айтганида Малоҳат шундай баянлар билан инсон билан танишганидан хурсандлигини яшириб ўтирмади. Аста-секин аёлнинг ишончига кирган Э.Мадиев унга ўз ниятини айтади:

– Биласиз, бунақа ишлар бир умрга боғлаб берилмаган инсонга. Кейин... Битта маош билан рўзгор тебратиш оғир хозир... Вазият аввалгидек эмас. Шунга тadbirkorлик билан шуғуллансаммикан деб турибман...

– Тўғри... – уни маъқуллади Малоҳат. – Битта ойлик ҳеч нарсага етмайди. Ўзим ўқитувчиман, буни жуда яхши биламан...

Улар шу тарика биров суҳбатлашишгач, Э.Мадиев муддаога ўтиб, Малоҳатга аста «қармоқ ташлади»:

– Ўзбекистондаги исталган университет ва институтга гапим ўтади. Ўқишга киролмай юрган ёки ўқишни кўчиришга қийналаётган танишларингиз бўлса, менга рўпара қилаверинг, синглим. Фақат озгина харажати бор...

– Вой, сизни менга худонинг ўзи

етказди! Бунақа муаммолари бор қариндошларим, танишларим жуда кўп, – деди Малоҳат. – Ҳечқиси йўқ... Иши битганидан кейин харажати ҳам чидашадиде!

Шу кундан бошлаб Малоҳат Э.Мадиев тузган режага кўра ишлаб бошлади. Май-июль ойларида бир неча йилдан буён олий ўқув юртига ўқишга киролмаётган ёки ўқишни кўчириш гамида юрган таниш-билишларидан «Вазирликдаги танишим ҳал қилиб беради» деган ваъдалар билан 500 дан 2000 долларгача, жами 5800 АҚШ доллари миқдорига пул олади ҳамда Э.Мадиевга етказди. Шу тарика унинг жиний шеригига айланади.

Афсуски, бу ваъдалар пуч эди. Шу боис йил адоғида ҳам пул берган одамларнинг муаммоси ҳал бўлмагач, улар

Малоҳатдан пулни қайтаришни талаб қилишди. Ўз навбатида, аёл Э.Мадиевга боғланди. Бирок... югур-югурлар, оҳ-воҳлар иш бермади. Э.Мадиев пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган, уни қайтариш хаёлига ҳам келмаётганди. Жабрланувчилар ноилож ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишга мажбур бўлишди.

Суд ҳукм ўқиди. Унга кўра Э.Мадиев олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Унинг жиний шериги М.Эралиевага эса беш йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди. «Катта одам» билан танишиш унга шунақа ташвиш келтирди.

Нодира АТАҚЎЗИЕВА,
Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

НОНКАБОБ ЎРНИГА ЖАЗО

Кейинги пайтларда пойтахтимизда нонкабоб тайёрловчилар кўпайиб кетди. Талабга қараб таклиф деганларидек, нон билан пиширилган гўшти тановул қилиш кўпчиликка ёқаяпти. Айниқса, бу таом эрталаб ейилса кун бўйи тўқ тутаети.

Шайхонтохур туманидаги Сошбир Рахимов кўчасида яшовчи Алиқул Имомов (исм-фамилияси ўзгартирилган) уч оғайниси билан машинада келатганда, Улугбек ва Самарқанд дарвоза кўчалари кесилувидаги автобус бекатида «Нонкабоб» деган ёзувни кўрди-ю иштахаси очилиб кетди. Машинани тўхтатиб, таом олишга йўналди.

Шоҳобчининг эшиги очиб, лекин хонанинг бир четида кимдир ухлаб ётарди. Бегона кимсанинг кириб келганини сезмади. Алиқулнинг кўзи очик қолган кассада полиэтилен пакетта солинган пулга кўзи тушди-ю, нафсини тийледи. Пулни олиб, уни қутиб турган ўртоклари олдида келди.

– Нонкабоб қолмабди, – деди олдинги ўриндикка ўтирар экан. Кўлидаги ўрамга оғайнларининг кўзи тушганини кўриб, хаёлига келган гапни айтиб юборди. – Бироз олдин қарзга от гўшти берган эдим. Шунинг пулини олдим...

Оғайнлари аслида нима бўлганини аввалига дастлабки тергов органи ўтказган суриштирувда, кейин жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг мажлисида билишди.

«Нонкабоб» шоҳобчасининг ишчиси уйғонганидан кейин хусусий қорхонага тегишли бўлган 5 млн. сўм пул йўқолганини билади. Ички ишлар ходимларига номаълум шахс очик қолган кассадаги пулни ўғирлагани ҳақида мурожаат қилади. Тергов жараёнида ўғри А.Имомов эканлиги аниқланади. Бу пайтга келиб у 1 млн. 700 минг сўм пулни сарфлаб юборган эди.

Дарвоқе, воқеа 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни рўй берган. Балки А.Имомов шу пулдан хотини ва фарзандларига совға олишга ишлагандир. Агар шундай бўлса, уларнинг ўша пайтдаги қувончи кейинчалик минг надомат билан қайтгани бор гап.

Суд ҳукмига кўра А.Имомовга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Етказилган зарарнинг қопланмай қолган қисми, яъни 1 млн. 700 минг сўм ундирилиши ҳам белгиланди.

Ахроржон МУҲАММАДБОҚИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

«ХОДИМ»НИ ЖАРОҲАТЛАГАН БАНГИ

Бу хонадон бекаси илгари уйда наша эккани учун жавобгарликка тортилган эди. Унинг эри Мансур Аннаев (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) ҳамқишлоқларининг уйларида қурилиш ишларига ёрдамлашиб тирикчилик қиларди.

Навбатдаги тadbirkor давомида жиноят қилириб бўлими тезкор вакили Ботир Орипов ҳамкасблари билан профилактик суҳбат ўтказиш учун Мансурнинг хонадонига кириб борди. Хонадон бекаси Гулсум эрининг ишга кетганини айтди.

Ботир ҳамкасблари билан суриштириб, Мансур ишлаётган хонадонни топиб боришди. Хонадон бекаси Назира опа уларга пешвоз чиқиб, Мансур бу ерда йўқлигини айтди.

– Мансурнинг шу ердалигини биламиз, – деди Ботир.

Аммо хонадон бекаси уларни ичкарига киритмасдан туриб олди. Бироз вақтдан сўнг ўғиллари Назира опага вазиятга аралашмасликни тайинлаб, уни четга тортишди.

Ичкарига кириб борган ички ишлар ходимларини кўрган Мансурнинг ранги-қути ўчиб кетди. Янги иморат томига қамиш босишга келган эди. Қўлига паншахани олиб, томда важоҳат билан туриб олди.

– Мени таниясанми? – деди Ботир унга. – Қани, паства туш-чи, бир жойига бориб келамиз...

Аммо Мансур паншахани ушлаб тепада тураверди.

Ботир аста-секин унга яқинлашиб, паншахани ташлаб паства тушишини, ортиқча ҳаракат қилмаслигини тайинлади. Мансур унга қараб паншахани силкитиб, «яқинлашма, йўқол» деб бақирарди.

Ботир юқорига чиқиб борди. Мансур паншахани силтаб, унинг сонига санчиб юборди. Сўнг тиркираб чиққан қондан кўрқиб, паншахани кўтарганча ўзини паствага отиб қочди. Ботирнинг ҳамкасблари унинг ортидан қувиб ета олишмади...

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судида Мансур Аннаевнинг мазкур қилмишига қонуний баҳо берилди.

Маълум бўлишича, Мансур Аннаев 1983 йилда туғилган. Оилали, икки фарзанди бор. Илгари ҳам бир неча марта жиноят содир этиб, амнистия шарофати билан жиноят ишлари тугатилган, бир муддат ахлоқ тузатиш жазосини ҳам ўтаган эди.

Судланувчи айбига иқrorлигини ва қилмишидан пушаймонлигини маълум қилди. Жабрланувчи Ботир Орипов ҳам Мансур ундан узр сўраганини, уни кечирганини, ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди.

Суд ҳукми билан Мансур Аннаевга нисбатан 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Ўз вақтида ички ишлар ходимининг қонуний талабига бўйсунганида Мансур ўз бошига бунча гавго сотиб олмаган бўларди, албатта...

Нажмиддин МАВЛЯНОВ,
Чироқчи тумани прокурорининг ўринбосари

«ОЛТИН ТЎП» ДАЪВОГАРЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИ ЯНГИЛАНДИ

«France Football» нашри 2020 йилда «Олтин тўп» соврини берилмаслигини расман маълум қилди. «Goal» экспертлари эса бу йил «Олтин тўп»ни қўлга киритишга даъвогарлик қилиши мумкин бўлган футболчиларнинг рейтингини янгилашда давом этмоқда.



Янги рейтинг билан таништирамиз. «Бавария» ҳужумчиси Роберт Левандовски ҳамон рейтингда пешқадам. Шунингдек, «Ювентус» ҳужумчиси Криштиану Роналду ва «Барселона» сардори Лионель Месси ўтган ҳафтадаги рейтинг билан таққослаганда кучли ўзгаришга эришди.

«Манчестер Сити» яримҳимоячиси Кевин де Брюйне эса 4-ўриндан 6-поғонага тушиб кетди. Тўртинчи ўринга эса «Реал» ҳужумчиси Карим Бензема кўтарилди.

«Реал» сардори Серхио Рамос эса бир ҳафта ичида 12-ўриндан 10-поғонага кўтарилишга муваффақ бўлди. «Манчестер Юнайтед» яримҳимоячиси Бруну Фернандеш эса кучли ўнликдан 12-каторга тушди.

ИСПАНИЯ ЛА ЛИГАСИ ФИНИШГА ЕТИБ КЕЛДИ

Испания чемпионатининг навбатдаги мавсуми якунланди. Мадриднинг «Реал» клуби уч йиллик танаффусдан сўнг ўзининг азалий рақиби «Барселона»ни 5 очко ортда қолдириб, чемпион бўлди. Бу йил каталонияликлар қумуш медаль билан қийоляништи.

Шунингдек, Ла лиганинг сўнги турида баъзи саволларга ҳам ойдинлик киритилди. Жумладан, Испаниядан «Реал», «Барселона», «Атлетико» ва «Севилья» клублари Европа чемпионлар лигаси йўланмасига бир неча тур аввал эга бўлган эди. Европа лигаси йўланмаси эгалари эса сўнги турда маълум бўлди. «Вильярреал» 60 очко билан жадвалда 5-ўринни банд этди ва дастлабки йўланманга қўлга киритди. «Гранада» эса ўз уйида Бильбаонинг «Атлетик» клубини 4:0 ҳисобида енгиб, Европа лигасида иштирок этадиган бўлди. «Реал Сосьедад» Мадридда «Атлетико» билан дураг ўйнаб, ўз очколарини 56 тага етказди ва келаси йили Европа лигасида қатнашади.

«Эспаньол», «Мальорка» ва «Леганес» клублари эса келгуси мавсумни сегондада ўтказадиган бўлишди.

«БАРСЕЛОНА» ЎЙИНЧИЛАРИ МУРАББИЙ ТАНЛАШДИ

«Барселона» футболчилари бош мураббий Кике Сетьен истеъфога чиқарилишини истамоқда.

«Mundo Deportivo» таркатган хабарга кўра, бош мураббий лавозими учун ўйинчиларнинг кўпчилиги Патрик Клоувертни маъқул кўраётти. Ҳозир ушбу мутахассис «Барселона» академияси директори лавозимида ишламоқда.

Футболчилар «Реал»да Зидан муваффақиятга эришганидек, Клоуверт ҳам «Барселона»да яхши натижа қайд этишига ишонмоқда. Патрик ўйинчилар орасида яхши обрўга эга бўлиш билан бирга футболчиларни яхши бошқара олади.

МЕССИ РЕКОРД ЎРНАТДИ

«Барселона» ҳужумчиси Лионель Месси бу йил Испания чемпионатида энг яхши тўпурарига айланди. Ла лига доирасида у 33 та ўйинда майдонга тушиб, 25 та гол урди.

Аргентиналик футболчи «Пичичи соврини»ни еттинчи марта қўлга киритди ва бу борада мутлақ рекордчига айланди. «Атлетик Бильбао» клуби собиқ футболчиси Тельмо Сарра 6 марта Испания чемпионатида энг яхши тўпурари бўлган эди.

Месси тўпурарлар пойғасида кетма-кет тўртинчи мавсумда голиб чиқди. Шунингдек, у жорий мавсумда ла лиганинг энг яхши ассистенти ҳам бўлди.

МАНЧЕСТЕРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРГАН ЛОНДОН

Англия кубогининг финалида Лондоннинг икки жамоаси «Арсенал» ва «Челси» жамоалари ўйнайдиган бўлди. Улар яримфинал баҳсларида Манчестер шаҳрининг икки нуфузли жамоасидан устун келди.

Дастлабки яримфинал ўйинида «Арсенал» ва «Манчестер Сити» майдонга тушди. Учрашувнинг 19-дақиқасида Пьер-Эмерик Обамеянг лондонликларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Иккинчи бўлимни «шахарликлар» фаол бошлади ва мезбонлар дарвозаси олдида бир қатор хавфли вазиятларни содир этди, бироқ уларнинг ҳеч бири самара бермади. 71-дақиқада Обамеянг дарвозабоннинг оёқлари орасидан тўпни ўтказиб, иккинчи голини ҳам урди. Бу ҳисоб «Арсенал»га финал дарвозасини очиб берди.

Яримфиналнинг иккинчи баҳси «Манчестер Юнайтед» ҳамда «Челси» ўртасида бўлиб ўтди. Унда яна лондонликларнинг қўли баланд келди. Биринчи бўлим якунида Оливье Жиру гол урди. Иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқасида Мэйсон Маунт ҳисобни 2:0 кўринишига келтирган бўлса, 74-дақиқада манчестерликларнинг автоголи эвазига ҳисоб йириклашди.

85-дақиқада мезбонлар Бруну Фернандешнинг голидан кейин ҳисобни қисқартиришди. Шу тарика «Челси» иккинчи финалчига айланди.

Интернет хабарлари асосида
Камолiddин АСҚАРОВ тайёрлади

HUQUQ
YURIDIK GAZETA
MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi
BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV
TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodijon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon QEMKANOV
Maqsudali DAXBAROV
TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilgan mabaa sifatida gazeta nomli ko'rsatilishi shart.
[i] — tijorat materiali.

Buyurtma v4250.
16 355 nusxada bosildi.
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASQAROV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda ko'rsatilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korona manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617
9 772010 761004

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ва Жиззах вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси
Неъмат ИСЛАМОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ва Сурхондарё вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Бахритдин Эргашевга падари бузруквори
Рўз отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси жамоаси Бosh прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари Ибодилла Сайдахмедовга онаси
Захро САЙДАХМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бosh прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарма бўлим катта инспектори Ойбек Арипбаевга отаси
Равшан АРИПБАЕВнинг вафоти муносабати чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Яккасарой тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Элмурод Убаевга отаси
Асатулла УБАЕВнинг ҳамда онаси
Замира НУРМАТОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бosh прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоалари Пайариқ тумани бўлими бошлиғи ўринбосари
Раҳимжон БАХРИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бosh прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Навой вилояти бошқармаси жамоалари Учқудуқ туман бўлими бошлиғи ўринбосари
Хусан КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бosh прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарма бўлим катта инспектори Салимжон Махмановга отаси
Абдикарим МАХМАНОВнинг вафоти муносабати ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Сергели тумани прокурори Лазиз Раҳмановга волидаи муҳтарамаси
Дилбар РАХМАНОВАнинг ҳамда онаси
Дилдора РАХМАНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Бosh прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоалари республика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Уснатдин Абдиевга акаси
Алауатдин АБДИЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бosh прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Бухоро вилояти бошқармаси жамоалари Бухоро шаҳар бўлими давлат инспектори
Самд РАХМАТУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

РОССИЯ ВАКЦИНА ТАЙЁРЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ



Россия Мудофаа вазирлиги Россия ҳарбий вирусологлари томонидан Гамалея миллий эпидемиология ва микробиология илмий маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиққан «COVID-19»га қарши вакцина тайёрлигини маълум қилди. Бу ҳақида «Интерфакс» хабар бермоқда. Мутахассислар ва миллий тадқиқот маркази олимлари синов натижаларини ижобий баҳолашган.

Вакцина ишлаб чиқарилгандан кейин унинг синовида қатнашган барча кўнгилдиларда коронавирусга қарши иммунитет шаклланган. Вакцина билан эмланган одамлар ўзларини яхши ҳис қилишган.

Шунингдек, вакцинанинг синовчи яхши ўтганини мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Руслан Цаликов ҳам эътироф этиб, «АиФ» газетасига интервью берган.

Унинг таъкидлашича, кўнгилдиларнинг биринчи гуруҳи касалхонада қолган ва 15 июлда назорат синовидан ўтганларидан кейин, иккинчи гуруҳ 20 июль куни клиник синовнинг иккинчи босқичида иштирок этишни якунлаган.

ВИРУСГА ҚАРШИ ЯНА БИР МАҲСУЛОТ

Куркумин организмга вирусни енгишга ёрдам беради. Ушбу табиий бирикма хусусиятини ўрганган тадқиқотчилар шундай хулосага келишди.

Олимларнинг маълум қилишича, куркумин ҳужайраларни трансмиссив гастро-энтерит (TGEV) – коронавируснинг альфа-гуруҳи билан зарарланишдан ҳимоя қилади. Шунингдек, у вирус зарраларига кирон келтиради.

Ҳозирги кунда альфа-коронавирусни даволашнинг тасдиқланган усули йўқ. «TGEV»га қарши ишлаб чиқилган вакцинани эса вирус тарқалишининг олдини олишда самарали деб бўлмайди.

Тадқиқот муаллифларининг сўзларига кўра, куркуминнинг юқори концентрацияси организмни TGEV юқишдан сақлайди. Устига-устак, у ҳужайрада вирусли зарралар сонини камайтиради. Бу ҳақида «Journal of General Virology» нашри ёзмоқда.

УЙДА ҚОЛИНГ,

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ

ҚИЛИНГ!

КЎПРОҚ СУВ ИЧИНГ...

Танани касалликдан ҳимоялашда истеъмоладан энг муҳим восита сувдир. Инсондаги гормонал мўътадиллик сув билан боғлиқ. Сув етарли бўлса инсон ўзини яхши ҳис қилади. Бу ўз навбатида ташқи кўри-нишига ҳам ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Агар аксинча бўлса, суяк, тери билан боғлиқ муаммолар, соч қуриши, детоксикация ва овқат ҳазм бўлиш жараёнининг секинлашиши кузатилади. Бундан ташқари, сурункали чарчок, бош айланиши ва уйқусизлик ҳам безовта қилиши мумкин.

Энди саломатлик учун зарур маслаҳатларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Сув балансида риоа қилинг. Яқинда кунга саккиз стакан сув ичиш керак деган тушунча бўлган. Аслида эса хар бир инсон ўзидан келиб чиққан ҳолда, вазнига қараб сув ичиши керак. Қолаверса, кўчадаги ҳарорат ҳам сув миқдори кўпайиши ёки камайишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис аёллар кунга 1,7 литр, эркеклар 3,7 литр сув истеъмоладан тавсия қилинади.

Бирдан кўп сув ичманг. Бирданига ярим литр сув ичишдан фойда йўқ, айниқса кечкурун. Чунки сув организмда бирданига сўрилмайди. Оқибатда сиз кечаси билан ҳожатхонага қатнашингизга тўғри келади. Шунинг учун сувни оз-оздан кун давомида ичиш тавсия қилинади. Хона ҳароратидаги сувни ичинг: Чунки организм хона ҳароратидаги сувни тана ҳароратида мослаш учун қувват сарфламайди. Шу сабабли бундай сув танага тез сингиб, чанқокни тез қондиради.

Тонгда бир стакан сув ичишга одатланг. Тунда организм сувсизлангани туфайли унинг ўрнини босиш муҳим саналади. Сув билан бошланган кунда инсон ўзини кучга тўла ҳис қилади. Сувга бир бўлак лимон қўшиб ичилса яна яхши – С витамини таъсирини кучайтиради.

Организмни намлантирадиган маҳсулотларни қанда қилсангиз. Масалан, сув ва фойдали ферментлар, витаминларга бой бодринг ва минерал, клетчатка манбаи бўлган селдер шулар жумласидан.

Қаҳва ва алкоголь истеъмолини назорат қилинг. Улар сийдик хайлаш хусусиятига эга бўлгани учун уларнинг истеъмолидан кейин организм кўп сув йўқотади. Йўқотилган суюқлик ўрнини эса сув билан тўлдириш керак бўлади.

Визуал ёлға солишга ҳаракат қилинг. Аксарият кишилар кўп сув ичишга ҳаракат қилиши, аммо унутиб қўйишини таъкидлайди. Бундай ҳолатда бир марталик бўлмаган идишга сув солиб, уни ўзи билан олиб юриш ва иш ташқари қўйиб қўйиш тавсия қилинади. Чунки идиш сизга сув ичишингиз кераклигини эсла-тиб туради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

«COVID-19»НИНГ ЯНГИ АЛОМАТИ

Испаниялик олимлар коронавирусга хос янги аломатни қайд этишди. Бу ҳақда «JAMA Dermatology» журналида мақола chop этилган.

Янги аломат олдингиларидан мутлақо фарқ қилади – коронавирус инфекциясини юктирган беморлар аксариятининг оғиз бўшлиғида жуда кўп тошма тошган.

Мақолада ёзилишича, коронавирусга чалинган 21 нафар бемор Мадрид университетининг «Ramon у Cajal» шифохонасида текширилган. Касалликни юктирганларнинг терисидан тошмалар пайдо бўлган. Беморлардан 29 фоизнинг эса оғиз бўшлиғи шиллик каватида энганега – кучли тошмалар қайд этилган.

Тадқиқот ўтказилган беморлар 40 ёшдан 69 ёшгача. Янги белги асосан аёлларда кузатилган, оғиз бўшлиғидаги тошмалар коронавируснинг бошқа аломатларидан тахминан икки кундан илгари пайдо бўлгани айтилмоқда.

COVID-19 беморлари орасида бу белги канчалик кенг тарқгани олимларга маълум эмас. Илмий иш муаллифи Хуан Хименес Коу пандемия шароитида хавфсизлик техникаси талаблари жуда қаттиклиги боис беморларнинг оғиз бўшлиғини ўрганишининг хар доим ҳам имкони бўлмаслигини таъкидлаган.

ОЛТИ ТУРИ АНИҚЛАНДИ

«Лондон қироллик коллежи тадқиқотчилари коронавирус инфекциясидан пайдо бўладиган олти касаллик формасини аниқлади. Улар бир-бирдан аломатлари ҳамда касаллик кечишининг оғирлик даражасига қараб фарқланади, – деб ёзди «Sky News».

Қайд этилишича, олимлар ўз тадқиқотларида АКШ ва Британиядаги 1600 нафар беморда кузатилган белгилар ҳақида маълумотларга таянган.

Улар коронавирус аломатларини ўрганиш учун яратилган «Covid symptom study» мобил дастурдан фойдаланган.

Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи касаллик формасига грипп аломатларига ўхшаш белгилар хос. Бунда беморнинг ҳарорати кўтариллиши ҳам, кўтарилмаслиги ҳам мумкин.

Учинчи формада эса беморда «COVID-19» йўталсиз кечади, бироқ уни ич кетиши, иштаҳасизлик, ҳароратнинг кўтарилиши кийнайд. Ушбу форма шартли тарзда энгил дея тавсифланади. Бунда беморларнинг фақат 1,5-4,4 фоизигагина

респиратор ёрдам талаб қилинган.

Тўртинчи формада эса касалликнинг асосий белгиларига чарчок ҳам қўшилган, беморларнинг 8,6 фоизига респиратор ёрдам талаб қилинган.

Бешинчи формада эса мушакларда оғрик, фикр тарқоклиги пайдо бўлади. 9,9 фоиз ҳолатда респиратор ёрдам талаб қилинади.

Олтинчиси касалликнинг энг оғир формаси. Ушбу ҳолатда 50 фоиз беморлар касалхонага жойлаштирилган. Улар иштаҳасизлик, ич кетиши, қориндаги оғрик, нафас олишининг қийинлашиши, кўкрак ва мушакларда оғрик, фикр тарқоклиги, чарчокдан азият чекади. Бунда 19,8 фоиз ҳолатда респиратор ёрдам талаб қилинади.

«Касалликнинг олтинчи формаси аксарият ҳолларда кекса, шунингдек, ортқича вазни ҳамда йўлдош касалликлари бор инсонларда кузатилмоқда», – дейилади хабарда.

Олимларнинг таъкидлашича, касаллик бошланганидан сўнг биринчи беш кунда беморнинг қайси тоифага кириши аниқланса, оғир асоратларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

